



## МУНДАРИЖА

---

ИШЧИ ДАСТУР .....	3
КАЛЕНДАР РЕЖА.....	8
МАЪРУЗА МАТНИ .....	9
Педиатрия фанларида профессор-ўқитувчиларнинг педагогик маҳорати	9
Педиатрия фанларда оралиқ назорат ўтказиш .....	22
ТЕСТ САВОЛЛАРИ .....	23
НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ .....	27
ГЛОССАРИЙ .....	27

## ИШЧИ ДАСТУР

---

### **I. Модулнинг мақсади ва вазифалари**

**“Педиатрия фанларини ўқитишда педагогик маҳорат” модулининг мақсади:** педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курс тингловчиларини педиатрия фанларини замонавий муаммолари ҳақидаги билимларини такомиллаштириш.

**“Педиатрия фанларини ўқитишда педагогик маҳорат” модулининг вазифалари:**

- педиатрия фанларини ўқитишда педагогик маҳорат тўғрисида тушунча бериш;
- тингловчиларнинг педиатрия фанлари муаммоларини таҳлил этишда педагогик маҳорат бўйича кўникма ва малакаларини шакллантириш;
- педиатрия фанлари муаммоларини ҳал этиш стратегияларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этишга ўргатиш.

### **Модулни ўзлаштиришга қўйиладиган талаблар**

“Педиатрия фанларини ўқитишда педагогик маҳорат ” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида тингловчилар:

- педиатрия фанларини ўқитишда педагогик маҳорат билан боғлиқликда юзага келадиган муаммолар ва уларни ҳал этиш стратегияларини билиши керак;
- замонавий педиатрия фанлари муаммоларини ҳал қилишда педагогик маҳоратдан фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиши зарур;
- педиатрия фанларининг муаммоларини аниқлаш, таҳлил этиш, баҳолаш ва умумлаштиришда педагогик маҳорат малакаларини эгаллаши лозим.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

Модул мазмуни ўқув режадаги “Педиатрия фанларини ўқитишда инновацион таълим технологиялари”, “Педиатрия фанларини ўқитишда ўқув-услугий таъминот” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар педагогик муаммоларни аниқлаш, уларни таҳлил этиш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

**Модул бўйича соатлар тақсимоти:**

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат					
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкламаси				Мустақил таълим
			жами	жумладан			
				Назай	Амалий машғулот	Кўчма машғулот	
1.	Педиатрия фанларида профессор-ўқитувчиларнинг педагогик маҳорати	2	2	2			
2.	Педиатрик фанларда оралиқ назорат ўтказиш.	6	4		4		
	<b>Жами:</b>	6	6	2	4		

**НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

**Мавзу. Педиатрия фанларида профессор-ўқитувчиларнинг педагогик маҳорати (2 соат)**

Режа:

1. Педагогик маҳорат тушунчаси
2. Педиатрия фанларини ўқитишда педагогик усуллардан фойдаланиш
3. Педиатрик фанларни ўқитишда интерактив усулларни куллаш
4. Муаммоли ўқитиш технологияси

Замонавий ўқитувчи фаолиятида юзага келадиган қийинчилар ва уларни бартараф этиш йўллари. Ўқитувчининг педагогик фаолиятини ташкил этиш ва инновацион салоҳиятини ривожлантириш – долзарб педагогик муаммо сифатида.

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

**Мавзу. Педиатрия фанларда оралиқ назорат ўтказиш. (2 соат)**

**Режа:**

1. Рейтинг тизими тўғрисида тушунча
2. Оралиқ назорат ва унинг турлари
3. Педиатрия фанларида оралиқ назорат ўтказиш усуллари

## **КЎЧМА МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

ҚВП модулида интерфаол таълимни ташкил этиш: якуний назоратда илғор тажрибаларни ўрганиш ва таҳлил этиш.

## **МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ**

- Педиатрия фанларини ўқитишни ташкил этиш шакллари.
- Педиатрия фанларини ўқитишда кейс-стади технологияларидан фойдаланиш
- Педиатрия фанларини ўқитишда лойиҳалаш услубини тадбиқ этиш
- Педиатрия фанларини ҳамкорликда ўқитиш технологиясидан фойдаланиш.
- Педиатрия фанларини ўқитишда интерфаол таълим услубини тадбиқ этиш
- Педиатрия фанларини ўқитишда амалий ўйин услубидан фойдаланиш
- Педиатрия фанларини ўқитишда ахборот технологияларини қўллаш
- Педиатрия фанларини ўқитишда электрон таълим ресурсларидан фойдаланиш
- Педиатрия фанларини ўқитишда мультимедиа тақдимотларини яратишнинг методик асослари
- Педиатрия фанларини ўқитишда электрон дарсликлар яратишнинг методик асослари
- Педиатрия фанлардан электрон ўқув-методик мажмуаси, унинг тузилмаси ва таркиби.
- Педиатрия фанларини ўқитишда чет эл тажрибасини ўрганиш ва тадбиқ этиш
- Педиатрия фанларини ўқитишда интернет тармоғидан фойдаланиш
- Педиатрия фанларини ўқитишда талабалар билимини назорат қилиш ишчи дафтарларини яратиш
- Педиатрия фанларини ўқитишда маъруза, амалий машғулотларини ташкил этишнинг методик асослари
- Педиатрия фанларини ўқитишда талабалар билимини аниқлаш ва баҳолаш мезонлари
- Педиатрия фани ўқитувчиларининг компетентлигини шакллантириш

## АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2012.
2. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: Шарқ, 1998.
3. Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз, 7-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
4. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулмиз, 9-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
5. Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. – Т.: Ўзбекистон, 1994.
6. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкура – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
7. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз, 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
8. Каримов И.А. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
9. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: “Ўзбекистон”. –Т.: 2011.-440 б.
10. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: «Маънавият”. – Т.: 2008.-176 б.
11. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш–давр талаби, 5-жилд.– Т.: Ўзбекистон, 1997.
12. Каримов И.А.. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. 6-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.
14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли қарори.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-1533-сон қарори.
16. Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг қонуни, «Халқ сўзи», 1998 й., 15 май 2- бет.
17. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар.- Т.:Ўзбекистон, 2000.
18. Азизходжаева Н.Н., Образовательные технологии в деятельности преподавателя высшей школы// Матер. учебно-метод. конф. «Современные технологии обучения: итоги и перспективы» Ташкент, 2003. – С. 49-68.
19. Ашкофт К.У., Холдер Т.М. Детская хирургия. - С-Пб., 1997

20. Баиров Г.А. Срочная хирургия детей. - С-Пб., 1997
21. Болезни детей раннего возраста - руководство для врачей под редакцией А.А.Баранова, - Москва-Иванова, 1998.
22. Даминов Т.О., Халматова Б.Т., Бобоева У.Р. Детские болезни. - Т., 2013
23. Даминов Т.О., Холматова Б.Т., Бобоева Ў.Р. Болалар касалликлари.-Т., 2012.
24. Детские болезни, под ред. А.А. Баранова. – М., 2010
25. Детские болезни, под ред. Н П. Шабалова. – М., 2010
26. Исаков Ю.Ф., Степанов Э.А., Гераскин В.И. Торакальная хирургия детского возраста.- М., 1987
27. Калиничева В.И. Анемии у детей. – М., 2000
28. Немилова Т.К. Оперативная хирургия детского возраста. - С-Пб., 2000
29. Острые пневмонии у детей, под редакцией В.К.Таточенко. – М., 1994
30. Парийская Т.В. Справочник педиатра.- М., 2004
31. Патология детей старшего возраста - под редакцией А.А.Баранова. – М., 1998
32. Пыцкий Н.В. Аллергические заболевания. – М.,1999
33. Синельников И.М. Неотложная помощь в педиатрии. – М., 2000
34. Справочник педиатра. Санкт-Петербург., Москва., 2004
35. Справочник семейного врача (Педиатрия). - Минск, 2000
36. Сулайманов А.С. ва бошқ. Болалар хирургияси.- Т., 2001
37. Халматова Б.Т., Бобомуратов Т.А. Педиатрида синдромал диагностика.- Т., 2010
38. A therapist's guide to pediatric assessment, - Linda King-Thomas, Bonnie J. Hacker, 1987, USA
39. Pediatrics, - Margaret C. Heagarty., William J. Moss, -1997, USA
40. The five Minute child Health Advisor. - M. William Schwartz, MD., - 1998, USA

Интернетдаги маълумотларни қуйидаги сайтлардан олинди:

<http://www.medmir.ru>,  
<http://www.doctor.ru>,  
<http://www.medbox.ru>,  
<http://www.medicum.ru>,  
<http://www.medline.ru>,  
<http://www.smtueco.ru>,  
<http://www.vshu.ru>,  
[www.cohrane.org](http://www.cohrane.org),  
[www.medlinks.ru](http://www.medlinks.ru),

## КАЛЕНДАР РЕЖА

№	Мавзулар	Машғулот тури	Соати	Ўтказилиш мuddати
1.	Педиатрия фанларида профессор-ўқитувчиларнинг педагогик махорати	маъруза	2	ойнинг учинчи ҳафтаси
2.	Педиатрия фанларда оралик назорат ўтказиш	амалий	2	ойнинг учинчи ҳафтаси
3.	Намойиш этувчи ва ургатувчи ҚВП модулини талабаларни амалий билимларини оширишида ва назорат қилишда аҳамияти. ҚВП модули ва амалий куникмаларни ўзлаштириш лабораториясида дарс ўтиш жараёни билан таништириш.	Кўчма машғулот	2	ойнинг учинчи ҳафтаси



## МАЪРУЗА МАТНИ

---

### ПЕДИАТРИЯ ФАНЛАРИДА ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ ПЕДАГОГИК МАХОРАТИ

---

#### **Режа:**

1. Педагогик махорат тушунчаси
2. Педиатрия фанларини ўқитишда педагогик усуллардан фойдаланиш
3. Педиатрик фанларни ўқитишда интерактив усулларни куллаш
4. Муаммоли ўқитиш технологияси

**Таянч иборалар:** *педагогик махорат, интерактив усуллар, воситалар, вазиятли масала, муаммоли ўқитиш, билим, кўникма.*

Ўқитиш усуллари таълимнинг асосий компонентларидан бири хисобланади. Қўлланилаётган ўқитиш усули таълим жараёнининг сифатига таъсир қилади.

Ўқитиш усуллари – бу педагог ва талабанинг ҳамкорликдаги фаолияти бўлиб, қўйилган мақсадга эришишга қаратилган.

Билим бериш манбасига қараб сўзловчи, кўргазмали ва амалий усулларга бўлинади:

Ўқитиш жараёни қуйидаги асосий элементлардан ташкил топган:

- Мақсад
- Усуллар
- Таркиби
- Воситалар
- Натижалар

**Мақсад** – талаба интилаётган нарса

**Усуллар** – мақсадга эришиш учун қўлланиладиган йўллар

**Таркиби** – талаба эришиши керак бўлган билим ва кўникмалар

**Воситалар** – дарс жараёнида кулланиладиган таркатма материаллар

Педиатрик фанларни ўқитишдаги натижалар:

- Билим
- Кўникма
- шахслараро мулоқот

Талабаларнинг мулоқатини шакллантириш учун қуйидагилардан фойдаланилади:

- Муаммоли вазиятни таҳлил қилиш
- Воқеани рандомизация усули билан таҳлил қилиш
- Ролли уйинлар
- Тайёрланган касал
- мунозара, дебатлар

*Клиник дарсда муаммони хал қилиш йуллари:*

- муаммоли вазиятни таҳлил килиш
- Мия хужуми
- Асалари уяси
- Критик ҳолатни таҳлил килиш

*Муаммони чуқур урганиш учун куйидаги усуллардан фойдаланилади:*

- Дебатлар
- Семинарлар
- Симпозиум
- Проект

*Педиатрик фанларни далилларга асосланиб уқитиш усуллари:*

- Маъруза
- Симпозиум
- Семинар
- Проект

*Талабаларнинг барини уқитишда 4 турга ажратиш мумкин*

- Активистлар
- Фикр юритувчилар
- Теоретиклар
- Прагматиклар

Талабаларнинг қайси турга мансублигини биринчи дарсданок аниқлаб олиш, кейинги машгулотларни самарали олиб боришга ёрдам беради, чунки ҳар бир гуруҳга мансуб булган талабаларга индивидуал ёндашиш талаб қилинади. Кичик гуруҳларда дарс олиб боришда ҳам талабаларнинг ушбу турларига эътибор бериш мақсадга мувофиқ.

Педиатрик фанларни уқитишда вазиятли масалалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Масала асосида маълум бир тиббий муаммони ҳал этиш ётади.

Вазиятли масала турлари:

*Типик* – репродуктивфаолиятга қаратилган

*Нотипик* –продуктив ақлий фаолиятга қаратилган

*Муаммоли вазиятли масала турлари:*

1. Бошланғич маълумотлар етарли булмаган
2. Бошланғич маълумотлар керагидан ортиқча булган
3. Саволи ноаниқ булган вазиятли масала
4. Зиддиятлар билан берилган масала
5. Фақат тахминий ечимни талаб қилувчи масала
6. Вақти чегараланган масалалар

### **Амалий машгулотларда интерактив усуллардан фойдаланишда куйидаги қоидаларга амал қилиш мақсадга мувофиқ:**

*Биринчи қоида.* Иш жараёнига барча талабаларни жалб этиш керак.

*Иккинчи қоида.* Талабаларнинг психологик тайёргарлигига эътибор бериш. Барча талабалар дарсга бир хил даражада тайёр булиб келмайди.

Учинчи коида. Интерактив уйинда катнашаётган талабалар сони куп булиши мумкин эмас. Уларни кичик гурухларга ажратиш лозим.

Туртинчи коида. Уйинни утказишдан олдан хонанининг тайёрлигига эътибор бериш керак.

Бешинчи коида. Регламентга алохида эътибор бериш. Иш жараёнини бошлашдан олдин талабаларга регламент тугрисида маълумот берилади.

Олтинчи коида. Талабаларнинг гурухларга ажратилишига эътибор беринг. Бошида талабаларнинг талабига биноан гурухчаларга ажратган маъкул. Кейинчалик тасодифий ажратиш принципига амал килинади.

### **Усулнинг таълим бериш технологиясидаги ўрни ва вазифаси**

**Метод (усул)** - юнонча сўздан олинган бўлиб, “Metodos”- бирор нарсага йўл маъносини англатади.

**Таълим бериш усули** - белгиланган таълим бериш мақсадига эришиш бўйича таълим берувчи ва таълим олувчилар ўзаро фаолиятини тартибли ташкил этиш йўли.

Таълим бериш усули, таълимий мақсадни амалга ошириш бўйича таълим берувчи ва таълим олувчи билан ҳамкорлик фаолиятининг мураккаб жараёнининг асоси ҳисобланади. Усуллар: ушбу таълим бериш давридан чиққанда таълим олувчи билиши, удаллаши ва кадрлаши лозим бўлган кўзланаётган натижаларга эришишни таъминлайди.

Усулларнинг танлашни **асосий қоида**си → турлича эмас таълим бериш мақсадига мос келиши

Усулларга қўйилган **асосий талаб** → натижа берадиган, фақат биттасини қўллаш.

Усулнинг асосий натижавийлигининг мезони → белгиланган вазифани ҳал этиш учун уни қўллашнинг мослиги ва тежамкорлиги.

Таълим технологиясини лойиҳалашда усулни онгли танлаш, уларни ҳар бирининг имкониятларини кўра билиш керак

Усулни танлаб, ўқитувчи ўзига савол беришни бошлайди:

→ Усулни қўллашдан сўнг натижалар қайси соҳаларда: Билимлар соҳасидами? Кўникмалардами? Малакалардами? Ёки кўрсатмада кўп бўлади.

→ Кейинги савол таълим беришнинг бажариладаган ишлар тартибига тааллуқли: “Талабаларнинг фаоллиги (ташаббус) қандай бўлиши керак?”

**Таълим усуллари натижавийлигини қайси мезонлар аниқлайди?**

*Яхши ёки ёмон усуллар мавжуд эмас. Усулнинг натижавийлигини бажарилган ёки бажарилмаган вазифа бўйича хулоса чиқариш мумкин.*

Қандай қилиб, кенг тарқалган усуллар, жумладан ақлий ҳужум ёки гуруҳли мунозарани натижавийлигини ўқув машғулотида ечиладиган топшириқлар билан боғлиқсиз, ёки аниқ амалий вазиятни таҳлил қилиш ва ечиш (кейс-стади) усулини натижавийлигини, ушбу усул қўлланилаётган ўқув машғулотининг мақсад ва вазифаларидан узилишда олдиндан баҳолаш мумкин.

Тажрибаларнинг кўрсатишича, усулнинг **асосий натижавийлик мезонлари** қуйидагилар:

- белгиланган вазифаларни ҳал этиш учун уни қўллашнинг мослиги ва иқтисодийлиги;
- уни қўллашда соддаллик ва осонлик;
- нафақат энг яхши натижаларни таъминлаши, балки уларга эришишнинг юқори ишончлилигини таъминлай олиши.

**Интерфаол** (Interactive) - суҳбатли. **Интерфаол** таълим бериш - суҳбатли таълим бериш, бунда таълим берувчи ва таълим оловчи, таълим оловчи ва компьютернинг ўзаро ҳаракати амалга оширилади.

**Фаол таълим бериш усули** - таълим оловчиларнинг билим фаолиятларини рағбатлантирувчи усулдир. У ёки бошқа муаммони ечиш тўғрисидаги фикрларни эркин алмашинувини назарда тутувчи суҳбат асосида курилади.

Энг кўп тарқалган ва хусусиятга эга бўлган таълим усуллари қуйидагилар ҳисобланади: *суҳбат, баҳс, ўйин, кейс-стади, лойиҳалар усули, муаммоли усул, ақлий ҳужум ва бошқалар* ҳисобланади.

Интерфаоллик таълим бериш соҳасида умуман янги ҳодиса-бунга биноан таълим берувчи:

1) ўқитувчи, бошқа талабалар, маъмурият билан фақат шахсий учрашув йўли билан эмас, балки таълим жараёнининг барча субъектлари билан фаол ўзаро ҳаракат қилиши мумкин;

2) мультимедиали объектларни таҳлил этиш жараёнида уларнинг мазмуни, шакли, ўлчови ва рангини ўзгарувчан бошқариш, уларни ҳар томондан кўриб чиқиш, шунга ўхшаш бошқа ҳаракатларни бажаришни, энг кўп кўргазмалиликка эришишда тўхтатиш ва хоҳлаган жойида яна ишга тушириши мумкин.

Интерфаоллик даража қанча юқори бўлса, таълим бериш жараёни шунча натижали бўлади.

Педагогикада таълим усуллари таснифлашга (тартиблаштириш, бир гуруҳга бирлаштириш) турли ёндашишлар юзага келди. Улар тизимлаштиришни турли асосларида тузилган.

Таълим усуллари таълимий мақсадларга эришиш бўйича таълим берувчи (ўргатиш) ва таълим олувчини (ўрганиш) ҳамкорий фаолиятини йўли сифатида кўрсатиш улар хусусияти ва ўқув фаолиятини натижалари бўйича қуйидагича гуруҳлаштириш имконини беради:

1 - гуруҳ: тайёр ўзлаштирувчилик ўқув фаолияти ва таълим олувчиларга билимларни 1 - даражада ўзлаштиришни таъминловчи, усуллар;

2 - гуруҳ: эса қолганларни тасвирловчи ўқув фаолияти ва таълим олувчиларга билим ва кўникмаларни 2 - даражада ўзлаштиришни таъминловчи, усуллар;

3 - гуруҳ: муҳокама қилувчи, қисман-изланувчилик ўқув фаолияти ва таълим олувчиларга билим ва кўникмаларни 3 - даражада ўзлаштиришни таъминловчи, усуллар;

4 - гуруҳ: мустақил изланувчилик фаолияти ҳамда 4 - даражада билимларни ўзлаштиришни таъминловчи, усуллар.

#### МУАММОЛИ ВАЗИЯТЛАР УСУЛИ

**Муаммоли вазифалар усули** – таълим берувчининг муаммоли вазиятларни яратишга ва таълим олувчиларнинг фаол билиш фаолиятларига асосланган. У аниқ вазиятни таҳлил қилиш, баҳолаш ва кейинги қарорни қабул қилишдан тузилган.

Усулнинг етаки вазифалари қуйидагилардан иборат:

1. Ўргатувчи – билимларни фаоллаштиришга асосланган;
2. Ривожлантирувчи – таҳлилий тафаккурни, алоҳида ҳодисаларнинг далиллари қонунийликни кўра билишини шакллантириш;
3. Тарбияловчи – фикр алмашилиш кўникмаларни шакллантириш.

Муаммоли вазифалардан фойдаланиш усули бизга, назарияни амалиёт билан боғлаш, имконини беради, бу материални таълим олувчилар учун янада кўп долзарбли қилади.

Ўқув муаммосининг муҳим белгилари қуйидагилардан иборат бўлади:

- номаълумнинг борлиги, уни топиш янги билимларни шаклланишига олиб келади;
- номаълумни топиш йўналишида қидирувни амалга ошириш учун таълим олувчиларда маълум даражада билим манбалари борлиги.

Муаммо 3 таркибий қисмдан ташкил топади:

- Маълум (ушбу берилган вазифадан).
- Номаълум (топиш янги билимларни шаклланишига олиб келади).

- Номаълумни топиш йўналишида қидирувни амалга ошириш учун керак бўлган, аввалги билимлар (таълим олувчилар тажрибаси).

Шундай қилиб, ўқув муаммосини таълим олувчиларга олдиндан номаълум бўлган натижа ёки бажариш усули вазифаси сифатида аниқлаш мумкин. Лекин таълим олувчилар ушбу натижа қидирувини амалга ошириш ёки ҳал этиш йўли учун дастлабкига эгадирлар. Шундай қилиб, таълим олувчилар ҳал этиш йўлини билади, вазифаси ўқув муаммоси бўлмайди. Бошқа томондан, агарда таълим олувчилар у ёки бу вазифани ечиш йўлини билмай уни ечиш қидируви учун воситага эга бўлмасалар, унда у ҳам ўқув муаммоси бўлиши мумкин эмас.

Муаммоли вазифани мураккаблиги (вазият «ўқув» муаммо) бир қатор далиллар билан аниқланади, бу жумладан таълим олувчилар даражасига мос қилиши керак. Агарда таништирувчи материал жуда ҳам ҳажми катта ёки мураккаб бўлса, улар ҳамма акборотни қабул қила олмайдилар, ечимини топишни билмайдилар ва ўқув фаолиятида бўлган ҳар қандай қизиқишлардан маҳрум бўладилар.

Муаммоли вазифани ишлаб чиқиш катта меҳнат ва педагогик маҳоратни талаб этади. Қоидага биноан, вазифани бир неча маротаба тажрибадан ўтказгандан сўнг ўқув гуруҳида омадли вариантини тузишга эга бўлинади. Шунга қарамай, бундай вазифалар назарияни ҳақиқий вазият билан боғлаш имконини беради. Бу таълим олувчилар онгида ўқитишни фаоллаштиришга имкон беради, келажакдаги касбий фаолиятлари учун ўрганилаётган материалнинг амалий фойдасини англаб етишга ёрдам бўлади.

**Маъруза** - давомли вақт ичида ўқитувчи томонидан катта ҳажмдаги ўқув материални монологик баён қилиши.

Усулнинг асосий *вазифаси*-таълим бериш. *Белгилари*: катъий тузилма, оғзаки-мантиқий баён қилиш, берилаётган ахборотнинг кўплиги.

Маърузалар муҳим лаҳзаларини ажратиб кўрсатиш имконини беради.

Таълим олувчилар билан биргаликдаги фаолиятни ташкиллаштириш усулининг самарадорлик шартлари қуйидагилардан иборат:

- ✓ маърузанинг батафсил режасини тузиш;
- ✓ таълим олувчиларга маъруза мавзуси мақсади вазифалари ва режани эшиттириш;
- ✓ ҳар бир режани ёритгандан сўнг қисқа умумлаштирувчи хулосаларни шакллантириш;
- ✓ маърузанинг бир қисмидан бошқа қисмига ўтганда мантиқий боғлиқликни таъминлаш;
- ✓ ёзиб олиш учун зарур жойларни ажратиб кўрсатиш (айтиб туриш);
- ✓ унинг алоҳида ҳолатлари батафсил кўриб чиқиладиган семинар, амалий машғулотлар билан маърузанинг тўғри келиши.

***Муаммоли маъруза***

Янги билимлар қўйилган савол, масала, ҳолатнинг муаммолилигиорқали берилади. Бунда тингловчининг ўқитувчи билан биргаликдагибилиш жараёни илмий изланишга яқинлашди. Педагогик вазифаси: янги ўқув ахборотининг мазмунини очиш, муаммони қўйиш ва уни ечимини топишни ташкил қилиш, ҳозирги замон нуқтаи назарларини таҳлил қилиш.

### ***Визуал маъруза.***

Маърузанинг мазкур шакли визуал материалларни намойиш этиш ҳамда уларга аниқ ва қисқа шарҳлар беришга қаратилган. Педагогик вазифаси: янги ўқув маълумотларини ўқитишнинг техник воситалари ва аудио, видеотехника ёрдамида бериш.

### ***Бинар (икки кишилик) маъруза.***

Бу маъруза икки ўқитувчининг ёки иккита илмий мактаб намоёнчасининг, ўқитувчи-тингловчининг диалогидан иборат. Педагогик вазифаси: янги ўқув маълумотларининг мазмунини ёритиш.

### ***Аввалдан режалаштирилган хатоли маъруза.***

Хатоларни излашга мўлжалланган мазмуни ва услубиятида, маърузаохорида тингловчилар ташхиси ўтказилади ва қилинган хатолартекширилади. Педагогик вазифаси: янги материаллар мазмунини ёритиш, берилган маълумотни доимий назорат қилиш.

### ***Маъруза конференция.***

Аввалдан қўйилган муаммо ва докладлар тизими (5-10 минут) даниборат илмий-амалий дарс сифатида ўқув дастури чегарасида ўтилади. Докладлар биргаликда муаммони ҳар томонлама ёритишга қаратилиши керак. Машғулот охирида ўқитувчи мустақил ишлар ва тингловчиларнинг маърузаларга яқун ясаб, тўлдириб, аниқлаштириб хулоса қилади. Педагогик вазифаси: янги ўқув маълумотнинг мазмунини ёритиш.

### ***Маслаҳат маъруза.***

Турли сценарийлар ёрдамида ўтиши мумкин. Масалан, 1) «Савол-жавоб» - маърузачи томонидан бутун курс бўйича ёки алоҳида бўлим бўйича саволларга жавоб берилади. 2) «Савол-жавоб-дискуссия» - изланишга имкон беради. Педагогик вазифаси: янги ўқув маълумотни ўзлаштиришга қаратилган.

### ***Маърузага тайёрланишда :***

Маъруза мақсадини аниқлаш (мустақил тайёрланишни, амалий машғулотларни, синов ёки имтихонни эътиборга олиб). Қўйилган савол бўйича илмий ва ўқув маълумотлар билан танишиш.

Маърузани мақсадига мувофиқ материалларни танлаш, мазмуни замонавий ҳолатга мос келиши керак. Графологик структура ёрдамида маърузани системалаш, бу маъруза мақсадига мувофиқ материални оптимал кетма-кетлигини баён этишни таъминлайди. Талабаларда клиник фикрлашни шакллантириш нуқтаи назаридан маърузанинг маъносини баҳолаш. Маърузани тайёрлаш уни тўла матнини ёзиш ёки батафсил режа конспектини тузиш билан тугайди.

### **Маърузани тайёрлашда қуйидаги дидактик принципларга, яъни:**

-маъруза материални мунтазамлилигига илмийлигига ва тушунарлилигига;

-маърузада билимларни ўзлаштиришни мустахкамлилигига, тушунарлилигига;

-маъруза структурасини аниқлилигига, ўқув материалнинг мазмунини услубий ишлаб чиқилишига;

-маъруза материални аниқлигига;

-тингловчилар фикрлашининг активланишига, тескари алоқани мавжудлигига;

-баён этиш шаклини эмоционаллигига;

-материални тушунарли, равшан тилда баён этилишига таяниш керак.

### **Маърузада тескари алоқанинг шакллари:**

- 1.Аудиторияга тўғридан тўғри савол бериш.
- 2.Биргаликда овоз чиқариб мулохаза қилиш.
- 3.Маъруза охирида битта, иккита назорат саволларига катта хажмда бўлмаган ёзма жавоб бериш.
- 4.Янги назарий ҳолатларга ёзма жавоб бериш.
- 5.Аудитория диққатини жалб этиш усуллари:
- 6.Янгиликни ишлатиш
- 7.Манфаатни ўзаро боғланишни қўллаш.
- 8.Персонафиксацияни қўллаш.
- 9.Муаммоли вазиятни қўллаш.
- 10.Шерикликни қўллаш.
- 11.Лекторнинг юмори.

**Лойиҳалар усули** билим ва малакаларни амалий қўллаш, таҳлил ва баҳолашни назарда тутувчи мажмуали ўқитиш усулини амалга оширади. Таълим оловчилар юқори даражада, бошқа ўқитиш усулларида фойдаланишга қараганда, режалаштиришда, ташкиллаштиришда, назоратда, таҳлил қилиш ва вазифани бажариш натижаларини баҳолашда иштирок этадилар.

Лойиҳаларда ўқитиш нафақат натижалар, балки жараёнини ўзи ҳам қимматли.

Лойиҳа фанлараро, бир фан ёки фан ташқарисида бўлиши мумкин.

**Таълим бериш вазияти**- кейс-стади (case англиз.- тўплам, аниқ вазият, stadi- ўрганиш) – бу усул, одатий ҳаётни ташкиллаштирувчи вазиятларни яратувчи ва таълим оловчилардан мақсадга мувофиқроқ ечим излашни талаб қилувчи, ҳаётдан олинган одатий вазиятларни ташкиллаштириш ёки сунъий яратилган вазиятларга асосланади.

**Кейс** - таълим оловчиларни муаммони ифодалашни ва мақсадга мувофиқроқ ечим излашга йўналтирувчи, бир гуруҳ инсонлар ёки алоҳида



шахсларни ҳаётий ташкиллашишидан олинган маълум шароитларини баёнли тақдим этилишидан иборат.

(2) кўшимча ахборотлардан, жумладан аудио, видео-ва электрон етказувчилар ва ўқув-услубий материаллардан иборат.

### КЕЙС-ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ ПЕДАГОГИК АННОТАЦИЯ

Куйидаги элементларни ўз ичига олади:

1. Кейс мўлжалланган предмет, бўлим, мавзу, таълим даражаси, курскўрсатилади.

2. Кейсданкўзланган мақсад (таълимий мақсад, режалаштириладиган ўқув натижалари).

3. Талабалар кейсни муваффақиятли ҳал этиш учун эгаллаши лозим бўлган дастлабки билим ва малакалар.

4. Кейс реал институционал тизим фаолиятини акс эттириши ёки унда кейсолог сунъий моделлаштирган вазият баён қилиниши ҳақидаги маълумот.

5. Ахборот олиш манбалари рўйхати

6. Кейснинг ўзига хос белгиларига кўра тавсифномаси (сюжет, кейс объекти мавжудлиги, материални тақдим этиш усули, ҳажми, тузилмавий ўзига хос хусусиятлари, ўқув топшириғини тақдим этиш усули, чизмалаштириш усули).

7. Кейсдан кўзланган мақсад ва, тегишлича, ташкилий-услубий таъминоти ўзгарганида у қўлланилиши мумкин бўлган ўқув предметлари рўйхати.

### КЕЙС-ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ УНИВЕРСАЛ МОДЕЛИ

<i>Мавзу</i>	
<i>Талабалар сони</i> : ... киши.	<i>Вақти</i> - ... соат.
<i>Ўқув машғулоти шакли</i>	Билимларни кенгайтирадиган ва чуқурлаштирадиган, малакалар орттирадиган семинар
<i>Семинар режаси</i>	1. Ўқув машғулотига кириш. 2. Билимларни долзарблштириш. 3. Кичик гуруҳларда кейс билан ишлаш. 4. Натижалар тақдимоти. 5. Мунозара, муаммоли вазият ечимини баҳолаш ва устувор ғояни танлаш. 6. Хулоса. Гуруҳлар ва талабалар фаолиятини, ўқув машғулоти мақсадига эришиш даражасини баҳолаш.
<i>Ўқув машғулоти мақсади:</i> ... ҳақидаги билимларни чуқурлаштириш, ... малакаларини орттириш, муаммоли амалий вазиятларни таҳлил этиш ва ҳал қилиш малакаларини шакллантириш	
<i>Ўқув машғулоти натижалари:</i> ... ни тавсифлайди, таснифлайди, асослайди, таққослайди • кейсда тақдим этилган вазиятни	<i>Ўқитувчининг вазифалари:</i> • ... мавзуси бўйича билимларни мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш; • муаммоли вазиятни таҳлил этиш, муаммо

<p>таҳлил этади;</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• муаммо, вазифаларни ажратади ва ифодалайди, муаммоли вазиятни ҳал этиш алгоритмини ишлаб чиқади;</li> <li>• вазиятни таҳлил этиш асосида уни ҳал қилишга доир асосли қарор қабул қилинади;</li> <li>• ҳисоб-китоблар амалга оширилади;</li> <li>• якуний хулоса чиқарилади, уни асосли тарзда ҳимоя қилади.</li> </ul>	<p>ва кичик муаммоларни ифодалаш, вазифалар қўйиш ва уларни ҳал этиш бўйича ҳаракатлар алгоритмини ишлаб чиқиш, иқтисодий асосланган қарорни қабул қилиш, ... ни прогноз қилиш малакаларини ҳосил қилиш;</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• ҳисоб-китоб юритиш малакасини орттириш,</li> <li>• ишлаб чиқилган нуқтаи назарни асослаш ва ҳимоя қилиш малакаларини ривожлантириш;</li> <li>• мунозара маданиятини, коммуникатив малакаларни ҳосил қилиш.</li> </ul>
<i>Таълим услублари</i>	Кейс-стади, аклий ҳужум, мунозара, амалий услуб
<i>Таълим воситалари</i>	Кейс, талабага услубий кўрсатмалар, флипчарт
<i>Таълим шакллари</i>	Индивидуал, фронтал, жамоа, гуруҳларда ишлаш
<i>Таълим шарт-шароитлари</i>	Гуруҳларда ишлашга мослаштирилган аудитория
<i>Қайтар алоқа усул ва воситалари</i>	Кузатув, блиц-сўров, тақдимот, ўзаро баҳолаш

### Ўқув машғулотининг универсал технологик картаси

Босқичлар, вақт	Фаолият	
	Ўқитувчининг	талабаларнинг
Тайёргарлик босқичи	Кейс материалларини тайёрлайди ва талабалар танишиши ва ҳал қилиши учун уларга олдиндан тарқатади. Вазиятни таҳлил этиш алгоритми (йўриқномаси) билан таништиради. Таҳлилни мустақил ўтказиш ва унинг натижаларини вазият таҳлили варағига ёзиш вазифасини топширади	Кейсни мустақил ҳал этади, вазият таҳлили варағини тўлдиради
1-босқич. Ўқув машғулоти-га кириш, ... мин.	1.1. Ўқув машғулоти мавзуси, мақсади, режалаштириладиган натижаларни эълон қилади. 1.2. Ушбу кейс мақсадини ва унинг профессионаллаштиришга таъсирини тушунтиради. 1.3. Семинарда ишлаш тартиби, кўрсаткичлар ва баҳолаш мезонлари билан таништиради.	Тингладилар, аниқловчи саволлар берадилар
2-босқич. Асосий (... мин.)	2.1. ... мавзуси (... – сонли илова) бўйича талабалар билимларини долзарблаштириш учун блиц-сўровнома ўтказди	Саволларга жавоб берадилар, муҳокама қиладилар, аниқловчи саволлар берадилар
	2.2. Талабаларни гуруҳларга бўлади. Гуруҳда ишлаш қоидалари (... – сонли илова), мунозара қоидалари (... – сонли илова) билан таништиради (эслатади), мунозара қатнашчисига эслатмани (... – сонли илова) тарқатади. Қуйидагича топшириқ беради: кейс билан индивидуал ишлаш натижаларини муҳокама қилиш, вазиятни жамоа бўлиб таҳлил этиш варағини тўлдириш, муаммоли вазиятнинг индивидуал ечими	Ўқув топшириғини бажаради

	<p>бўйича устувор ғояларни баҳолаш ва танлаш, тақдимотга тайёрланиш.</p> <p>2.3. Ўқув фаолиятини мувофиқлаштиради, маслаҳат беради, йўналтиради. Индивидуал иш натижаларини текширади ва баҳолайди: вазиятни таҳлил этиш варақлари</p>	
	<p>2.4. Тақдимотни, тақдимотлар муҳокамаси ва ўзаро баҳоланишини ташкил этади.</p> <p>Жавобларни изоҳлайди, ўзгартиради, вазиятни таҳлил этиш ва ҳал қилиш жараёнида берилган хулосаларга алоҳида эътибор қаратади.</p> <p>2.5. Кейс ечими бўйича ўз вариантини маълум қилади</p>	<p>Гуруҳлар иш натижалари тақдимотини ўтказадилар. Мунозарада қатнашадилар, саволлар берадилар, баҳолайдилар</p>
<p>3-босқич. Яқунлов-чи-баҳолов-чи, ... мин.</p>	<p>3.1. Машғулотга яқун ясайди, ўқув фаолияти натижаларини умумлаштиради, индивидуал ва биргаликдаги ишга баҳоларни эълон қилади.</p> <p>Олинган билимларнинг келгусидаги касбий ва ўқув фаолияти учун аҳамиятини қайд этади</p>	<p>Тинглайдилар, аниқловчи саволлар берадилар</p>

### **Таълим бериш усулларини танлаш**

Таълим бериш усулларини танлаш ва қўллашда кўпгина қуйидаги дидактик омилларни эътиборга олиш муҳим:

➤ *Мақсадни белгилаш:* 1) таълим бериш мақсади, 2) педагогик вазифалар, 3) ўқув фаолият натижалари.

➤ *Ўқув ахборот мазмуни ҳажми ва мураккаблиги:* мақсад ва ушбу ўқув фанини хусусияти, шу тариқа бу фанни шунчалик мураккаб деб қабул қилинган.

➤ *Таълим бериш усулларини ўқув ахборотини эгаллашларига таъсири.* Г. Майерга мувофиқ, 72 соатдан (уч суткадан) ўтганда, маълумотни эшитиш орқали қабул қилгандан сўнг тингловчи хотирасида 10 %; кўриш орқали (кўрганда) - 20%; кўриб ва эшитиш орқали (кўрганда ва эшитганда) - 50%; кўриб ва эшитиш орқали қабул қилиш ва мунозарада - 70%; кўриб ва эшитиш орқали қабул қилиш ва мунозарада, амалий имкониятларни қўлланилганда - 90% ахборот қолади.

➤ *Таълим олувчиларни ўқув имкониятлари:* тайёргарлик даражаси, умумўқув малакаларни шаклланганлиги, фаоллиги, қизиқиши ва йўналтирилганлиги, ёши, ишлаш қобилияти, ўзига хос имкониятлари ва қобилиятлари.

➤ *Вақт сарфи:* 1) ўқув дастурида йил давомида ўқув фанига, унинг алоҳида мавзуларига ажратилган вақт, шунчалик чекланган бўлиши мумкинки, бу эса кўп вақт оладиган усулларни мақсадга мувофиқроқ жойларда қўллаш имконини беради; 2) вақт у ёки бошқа усулни тайёрлаш ва амалга оширишда меҳнат сарфини кетиш нуқтаи назаридан муҳим омил ҳисобланади. Шу боис, бундай усулларни қўллашни режалаштиришда,

Ўзидан ушбу ташкиллаштириш йўлини амалга оширишга зарур тайёргарликка вақт ва куч етарли бўладими? деб сўраш керак.

➤ *Таълим бериш шароити:* баъзи усулларни амалга ошириш учун алоҳида шароитлар талаб этилади: таълим беришнинг техник воситалари, компьютер, махсус компьютер дастурлари, магнитли ёзув тахтаси, махсус жиҳозланган хона ва бошқ.

➤ *Таълим берувчи ва таълим олувчи ўртасидаги, жамоадаги ўзаро муносабатларнинг хусусиятлари* (ҳамкорлик ёки сўзсиз бўйсунли).

➤ *Таълим олувчилар сони:* агарда у катта бўлмаса, таълим беришни фаол таълим усулларни қўллаб, жадаллаштириш мумкин.

➤ *Таълим берувчининг чуқур билимдонлиги ва шахсий сифатлари:* маъқул деб топилган усулларни қўллашни билиши ва удаллаши, талабларга мос шахсий сифатларга эга бўлиши лозим.

*Қўшимча омилар:*

- Мавзунини ўрганишни (муस्ताқил/ таълим берувчи раҳбарлиги остида) ташкиллаштириш йўли: *Қай тарзда?*
- Дидактик воситалар: *Қайсилари?*
- Фаолликни рағбатлантирувчи усуллар: *Қайсилари?*
- Назорат ва ўз-ўзини назорат: *Қайсилари?*

### **Назорат саволлари**

1. Ўқитиш усуллари нима?
2. Амалий ўқитиш усуллари нима?
3. Ўқитиш методологияси нима?
4. Талабаларнинг психологик турлари деганда нимани тушунаси?
5. Муаммоли ўқитиш нима?
6. Муаммоли ўқитишнинг қандай турлари мавжуд?

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Азизходжаева Н.Н., Образовательные технологии в деятельности преподавателя высшей школы// Матер. учебно-метод. конф. «Современные технологии обучения: итоги и перспективы» Ташкент, 2003. – С. 49-68.
2. Даминов Т.О., Халматова Б.Т., Бобоева У.Р. Детские болезни. - Т., 2013
3. Даминов Т.О., Холматова Б.Т., Бобоева Ў.Р. Болалар касалликлари.-Т., 2012.
4. Детские болезни, под ред. А.А. Баранова. – М., 2010
5. Детские болезни, под ред. Н.П. Шабалова. – М., 2010
6. Халматова Б.Т., Бобомуратов Т.А. Педиатрияда синдромал диагностика.- Т., 2010

7. A therapist's guide to pediatric assessment, - Linda King-Thomas, Bonnie J. Hacker, 1987, USA
8. Pediatrics, - Margaret C. Heagarty., William J. Moss, -1997, USA
9. The five Minute child Health Advisor. - M. William Schwartz, MD., - 1998, USA

Интернетдаги маълумотларни куйидаги сайтлардан олинади:

<http://www.medmir.ru>,

<http://www.doctor.ru>,

<http://www.medbox.ru>,

<http://www.medicum.ru>,

<http://www.medline.ru>,

<http://www.smtueco.ru>,

<http://www.vshu.ru>,

[www.cohrane.org](http://www.cohrane.org),

**Режа:**

4. Рейтинг тизими тўғрисида тушунча
5. Оралиқ назорат ва унинг турлари
6. Педиатрия фанларида оралиқ назорат ўтказиш усуллари

**РЕЙТИНГ ТИЗИМИДА БАҲОЛАШ ТУРЛАРИ ВА ШАКЛЛАРИ**

- Назорат турлари, уни ўтказиш тартиби ва мезонлари ТТА Илмий услубий кенгашида муҳокама қилинади ва тасдиқланади ҳамда ҳар бир фаннинг ишчи ўқув дастурида машғулот турлари билан биргаликда кўрсатилади.
- Рейтинг назорати жадваллари, назорат тури, шакли, сони ҳамда ҳар бир назоратга ажратилган максимал балл, шунингдек жорий ва оралиқ назоратларнинг саралаш баллари ҳақидаги маълумотлар фан бўйича биринчи машғулотда талабаларга эълон қилинади.
- Талабаларнинг билим савияси ва ўзлаштириш даражасининг Давлат таълим [стандартларига](#) мувофиқлигини таъминлаш учун қуйидаги назорат турларини ўтказиш назарда тутилади: ЖН, ОН, ЯН
- Назорат турлари, уни ўтказиш тартиби ва мезонлари ТТА Илмий услубий кенгашида муҳокама қилинади ва тасдиқланади ҳамда ҳар бир фаннинг ишчи ўқув дастурида машғулот турлари билан биргаликда кўрсатилади.
- Рейтинг назорати жадваллари, назорат тури, шакли, сони ҳамда ҳар бир назоратга ажратилган максимал балл, шунингдек жорий ва оралиқ назоратларнинг саралаш баллари ҳақидаги маълумотлар фан бўйича биринчи машғулотда талабаларга эълон қилинади.
- Талабаларнинг билим савияси ва ўзлаштириш даражасининг Давлат таълим [стандартларига](#) мувофиқлигини таъминлаш учун қуйидаги назорат турларини ўтказиш назарда тутилади: ЖН, ОН, ЯН

**Оралиқ назорат**

ОН ўқув дастурининг тегишли бўлими тугаллангандан кейин ёки семестр (ўқув йили) охирида талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини баҳолаш учун ўтказилади. Оралиқ назорат топшириқлари жорий баҳолашда текшириш имконияти бўлмаган топшириқлар, жорий баҳолашнинг ҳаққонийлигини текширувчи топшириқлар ва ижодий топшириқларни ўз ичига олади.

ОН ҳар бир ўқув фани режаси асосида ўтказилади ва уни ўтказиш вақти талабаларга бир ҳафта олдин маълум қилинади.

Оралиқ назорат қуйидаги шаклларда амалга оширилади:

1. Оғзаки сўров;
2. Умумлаштирувчи ёзма иш;

3. Синовлар - Тест-синов; ОСКИ, ОСИ ва бошқалар
4. Оралиқ назоратнинг сони (бир семестрда икки мартадан кўп ўтказилмаслиги лозим) ва шакли (ёзма, оғзаки, тест, OSCE ёки уларнинг комбинациялари) ўқув фанига ажратилган умумий соатлар ҳажмидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.
5. Фанга ажратилган аудитория соати 72 дан кам бўлган ҳолда ОН ўтказилмайди ва бунда ЖН ва ЯН улуши 50:50 ни ташкил қилади. Фанга ажратилган аудитория соати 160 дан юқори бўлган ҳолда семестрда 2 марта ОН ўтказиш мумкин. ОНга жорий назорат бўйича 55 ва ундан ортиқ балл тўплаган талабалар қўйилади. ОН бўйича белгиланган максимал рейтинг балининг 55%дан кам балл тўплаган талаба ЯБга қўйилмайди.
6. ЖН ва ОНга ажратилган умумий балларнинг ҳар биридан саралаш балини тўплаган талабага ЯНда иштирок этиш ҳуқуқи берилади. ЯН OSCE ва тест усули комбинациясида ўтказилган ҳолда баллар нисбати мос равишда 50:50% ни ташкил этади. OSCE ва тест натижасида тўпланган баллар ЯНни тегишли балини ташкил этади. Агар OSCE натижалари бўйича талаба қониқарсиз баҳо олса, у тест назоратига киритилмайди.
7. ЖН ва ОНга ажратилган умумий балларнинг ҳар биридан саралаш балини тўплаган талабага ЯНда иштирок этиш ҳуқуқи берилади. ЯН OSCE ва тест усули комбинациясида ўтказилган ҳолда баллар нисбати мос равишда 50:50% ни ташкил этади. OSCE ва тест натижасида тўпланган баллар ЯНни тегишли балини ташкил этади. Агар OSCE натижалари бўйича талаба қониқарсиз баҳо олса, у тест назоратига киритилмайди.

### **Рейтинг тизими тартиблари**

- ОН ни ўтказиш жараёни кафедра мудири томонидан тузилган комиссия иштирокида даврий равишда ўрганиб борилади ва уни ўтказиш тартиблари бузилган ҳолларда, ОН натижалари бекор қилинади ва оралиқ назорат қайта ўтказилади.
- Академия ректорининг буйруғи билан ички назорат ва мониторинг бўлими раҳбарлигида тузилган комиссия иштирокида ЯН ни ўтказиш жараёни даврий равишда ўрганиб борилади ва уни ўтказиш тартиблари бузилган ҳолларда, ЯН натижалари бекор қилинади ва ЯН қайта ўтказилади.
- Ўқув йили тугаганидан кейин рейтинг назорати натижаларига кўра талабаларни кейинги курсга ўтказиш тўғрисида белгиланган тартибда қарор қабул қилинади.

---

## ТЕСТ САВОЛЛАРИ

---

1. Педагогик технология – бу:

- А) педагогик фаолиятнинг барча компонентлари ишлаши;
- Б) таълим жараёнини аниқ инструментал бошқариш ва қўйилган педагогик мақсадга эришиш;
- В) Ўқув жараёнини қўйилган мақсад асосида олиб бориш;
- Г) тўғри жавоб йўқ;
- Д) барча жавоблар тўғри

2. Педагогик технологиялар қачондан бошлаб оммавий жорий қилинган:

- А) 40-чи йилларда;
- Б) 50-чи йилларда;
- В) 70-чи йилларда;
- Г) 80-чи йилларда;
- Д) тўғри жавоб йўқ

3. Программани ўқитишнинг назарий асослари ким томондан белгиланган:

- А) Д. Дьюи;
- Б) Б.Ф.Скиннер;
- В) Г.К.Селевко;
- Г) тўғри жавоб йўқ;
- Д) барча жавоблар тўғри

4. Педагогик технологияни нима таърифлайди:

- А) тизимлилик;
- Б) даврийлик;
- В) прагматиклик;
- Г) тўғри жавоб йўқ;
- Д) барча жавоблар тўғри

5. Педагогик технологиялар ривожланишига катта хисса қўшган:

- А) Беспалько В.П.;
- Б) Пидкасист И.П.;
- В) Сластенин В.А.;
- Г) тўғри жавоб йўқ;
- Д) барча жавоблар тўғри

6. Педагогик технологияларнинг концептуал қисмига киради:

- А) технология номи, мақсадга йўналтирилганлик;
- Б) субъект фаолиятининг тизими ва алгоритми;
- В) педагогик технологиялар экспертизаси;
- Г) тўғри жавоб йўқ;
- Д) барча жавоблар тўғри



7. Қайси педагогик вазифалар таълимнинг умумий мақсадидан келиб чиқади?

- А) тактик;
- Б) оператив;
- В) стратегик;
- Г) дидактик;
- Д) тўғри жавоб йўқ

8. Ўқиш жараёнининг қайси турида талаба берилган билимларни қабул қилиш, таҳлил қилиш ва қўллашга ҳаракат қилади:

- А) ижодий
- Б) интерпретацияловчи;
- В) қайтарувчи
- Г) тўғри жавоб йўқ
- Д) ҳамма жавоблар тўғри

9. Активация ва интенсификация асосида қуйидаги технологияларни ажратиш мумкин:

- А) ўйин технологияси;
- Б) программалаштиришга асосланган технология;
- В) гуманистик технология;
- Г) тўғри жавоб йўқ
- Д) ҳамма жавоблар тўғри

10. Бошқарилиш жараёнига қараб қуйидаги ишбилармон ўйинлар ажратилади:

- А) вазиятли, комплекс ўйинлар;
- Б) ўқитувчи, проектирловчи ўйинлар;
- В) имитацион, операцион ўйинлар;
- Г) тўғри жавоб йўқ
- Д) ҳамма жавоблар тўғри

11. Педагогик мониторинг – бу:

- А) педагогик жараёндаги объектларни узок вақт кузатиш;
- Б) педагогик вазифаларни ишлаш;
- В) педагогик жараённинг ишлаш тизими;

12. Объект тўғрисида маълумот берувчи ва қайта алоқага имкон берувчи мониторинг функцияси – бу:

- А) информацион функция;
- Б) аналитик функция;

- В) коррекцион функция;
- Г) тўғри жавоб йўқ
- Д) ҳамма жавоблар тўғри

13. Илмий нуқтаи назардан технология – бу:

- А) санъат, хунармандчилик ва бошқа сохаларда қўлланиладиган усуллар мажмуаси;
- Б) ишлаб чиқаришнинг барча сохаларида қайта ишлаш бўйича қўлланиладиган усуллар мажмуаси;
- В) инсон фаолиятининг конкрет қисмида қўлланиладиган илмий усуллар;
- Г) тўғри жавоб йўқ
- Д) ҳамма жавоблар тўғри

14. Ахборот билан алмашинув нима орқали олиб борилади:

- А) вербал воситалар;
- Б) эмпатия;
- В) рефлексия;
- Г) тўғри жавоб йўқ
- Д) ҳамма жавоблар тўғри

15. Мулоқатнинг авторитар тури нима билан таърифланади:

- А) педагог фақат ўзи қарор қабул қилади;
- Б) педагогнинг ўқув жараёнига минимал аралашувга интилиши;
- В) талабаларнинг жараёнга актив аралашуви;
- Г) тўғри жавоб йўқ
- Д) ҳамма жавоблар тўғри

16. Ахборот технологияларни қўллашнинг ташқи сабабларига нима киради:

- А) вақтни тежаш орқали педагог ишининг самарасини ошириш;
- Б) ахборот технологияларини билувчи инсонларга жамоанинг мухтожлиги;
- В) ахборот технологияларини оммавий тарқатиш;
- Г) тўғри жавоб йўқ
- Д) ҳамма жавоблар тўғри

17. Педагогик вазифаларни бажариш босқичларини белгиланг:

- прогностик босқич -1
- аналитик босқич -2
- рефлексив босқич -3
- процессуал босқич - 4

- А) 1,2,4,3;
- Б) 2,1,3,4;
- В) 1,4,2,3;

Г) 2,1,4,3;

Д) тўғри жавоб йўқ

18. Педагогик диагностика ниманинг қисми:

А) педагогик жараённинг;

Б) педагогик мониторингнинг;

В) педагогик фаолиятнинг;

Г) тўғри жавоб йўқ

Д) ҳамма жавоблар тўғри

19. Ўқитиш-тарбиялаш вазиятига киради:

А) стимулловчи вазият;

Б) танлаш вазияти;

В) муваффақият вазияти;

Г) тўғри жавоб йўқ

Д) ҳамма жавоблар тўғри

20. Технологик жихатдан педагогик мулоқат ўз аксини топади:

А) ўзининг рухий ҳолатини бошқара олиш;

Б) талаба ҳолатини тушуна олиш;

В) ахборотни узата олиш қобилияти;

Г) тўғри жавоб йўқ

Д) ҳамма жавоблар тўғри

## НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

---

1. Ўқитиш усуллари нима?

2. Амалий ўқитиш усуллари нима?

3. Ўқитиш методологияси нима?

4. Талабаларнинг психологик турлари деганда нимани тушунасан?

5. Муаммоли ўқитиш нима?

6. Муаммоли ўқитишнинг қандай турлари мавжуд?

7. Интерактив ўқитиш усуллари нима киради?

8. Ролли ўйинлар нима ва педиатрик фанларда қайси биридан фойдаланилади?

9. Интерактив ўқитиш усуллари қўллаш қоидалари?

10. Педагогик маҳорат нима?

## ГЛОССАРИЙ

---

**Педагогик технология** – бу педагогик фаолиятнинг муваффақиятига кафолат берувчи жиддий илмий лойихалаш ва аниқ қайтаришдир.

**Олий таълимда технология** – аниқ бир мутахассислик бўйича битирувчини тайёрлашга қаратилган ўқитишнинг усуллари, услублари мажмуаси.

**Олийгоҳ педагогининг профессионал ваколоти** – мутахассиснинг интеграл таърифи бўлиб, унинг ҳаққоний вазиятда профессионал муаммолар ва типик профессионал вазифаларни ҳал қила олишидир.

**Билим** — инсоннинг қандайдир фаолиятни бажара олиш қобилияти

**Кўникма** – автоматизм даражасига эришилган билим

**Педагогнинг лойихалаштириш қобилияти** – ўз шахсий фаолиятинию. Талабаларнинг таълим олишини режалаштираолиш қобилияти;

**Педагогнинг асосли (конструктив) маҳорати** – курсга мўлжалланган ўқув жараёнини режалаштираолиш қобилияти;

**Педагогнинг коммуникатив маҳорати** – педагогнинг талабалар, ҳамкасблар ва маъмурият билан ўзаро алоқа ўрната олиш қобилияти;

**Педагогнинг ташкилотчилик маҳорати** – нафақат ўзининг, балки талабаларнинг ҳам фаолиятини ташкил қила олиш қобилияти.

**Муаммоли вазият** – бир ечимга эга бўлмаган ҳолат

**Билимларни беришнинг кўргазмали усули** – иллюстрация, демонстрация

**Билимларни амалий бериш усуллари** – машқлар, лаборатория ишлари, амалий ишлар.

**Типик вазиятли масалалар** –репродуктив фаолиятга йўналтирилган

**Нотипик вазиятли масалалар** – продуктив ақлий фаолиятга йўналтирилган

**Ролли ўйинлар** – ўқитиш усули бўлиб, ҳаётда бўлиши мумкин бўлган вазиятларни сахналаштириш